

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАФИКОВ САНЖАР ШАВКАТОВИЧ

**БАЧАДОН ВА ҚИН ИККИЛАНИШИДА ҲАЙЗ КЕЛИШИ БИР
ТОМОНЛАМА БУЗИЛИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Рафиков Санжар Шавкатович

Бачадон ва қин иккиланишида ҳайз келиши бир томонлама бузилиши
бўлган беморларни олиб бориш тактикасини
такомиллаштириш.....3

Рафиков Санжар Шавкатович

Усовершенствование тактики ведения больных с удвоением
матки и влагалища с односторонним нарушением оттока
менструальной крови..... 29

Rafikov Sanjar Shavkatovich

Improvement of management tactics for patients with uterine and
vaginal duplication with unilateral obstruction of menstrual
blood outflow.....57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works62

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАФИКОВ САНЖАР ШАВКАТОВИЧ

**БАЧАДОН ВА ҚИН ИККИЛАНИШИДА ҲАЙЗ КЕЛИШИ БИР
ТОМОНЛАМА БУЗИЛИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ
ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.3.PhD/Tib3698 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Закирова Нодира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Туксанова Дилбар Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия Миллий
Тадқиқот Тиббиёт Университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92, 233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -30-34).

Диссертация автореферати 2025-йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025-йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда гинекология амалиётида замонавий текшириш ва даволаш усуллари жорий этилганига қарамасдан, аёлларда жинсий аъзоларнинг туғма аномалияларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш муаммолари долзарблигича қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, «...қин ва бачадоннинг туғма аномалиялари гинекологик касалликлар орасида 0,1–3,8% ҳолларда учрайди. Шу борада жинсий аъзоларнинг туғма аномалиялари туғма нуқсонларнинг умумий сонининг тахминан 14% ни ташкил этади ва барча туғма нуқсонлар орасида тўртинчи ўринни эгаллайди. Болалар ва ўсмирлар гинекологик касалликлари тузилмасида эса 3–7% ни ташкил этади...»¹ Сўнгги йилларда диагностик технологиялар такомиллашгани сабабли бу турдаги патологиялар кўпроқ аниқланмоқда. Қин ва бачадон аномалиялари кўп ҳолларда аёлларнинг репродуктив салоҳиятига, менструал функциясига ва психоэмоционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бундай аномалиялар билан боғлиқ клиник ҳолатлар кўпинча бепуштлиқ, сурункали оғриқ синдроми, дисменорея, гематометра, диспареуния каби белгилари билан кечади. Айни пайтда қин ва бачадоннинг туғма аномалияларини эрта ташхислаш, ушбу патологик ҳолат натижасида юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва энг мақбул даволаш тактикаси танлаш, қайта жаррохлик амалиётига бўлган талабларни минималлаштириш гинекология соҳасида ечими топилиши зарур бўлган долзарб муамолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аёлларнинг жинсий аъзоларида учрайдиган туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва даволашда амалиётчи шифокорлар учун қийинчилик туғдирувчи кўшма аномалияларни ўрганишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қин ва бачадоннинг туғма аномалиялари учраши ва табиатини аниқлаш, жаррохликдан олдинги ва кейинги даврдаги анатомик бузилишларини комплекс баҳолаш, даволаш ва қайта жаррохлик амалиётига бўлган талабларни камайтириш, ҳамда уларни клиник самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, аёлларнинг жинсий аъзоларидаги туғма нуқсонларни, ташхис қўйиш ва уларнинг асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларнинг олдини олиш ва самарали ташхисот этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бачадон ва қиннинг

¹ World Health Organization. (2019). Global Health Estimates: Life expectancy and leading causes of death and disability. ВОЗ, Всемирная Ассамблея Здравоохранения, 63-я сессия. Мат., п. 11.7, А63/10, 1/1У-2010, 9 с

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

иккиланиши ҳамда хайз қоннинг чиқишини бир томонлама тўсиб қўйиши билан оғриган қизлар ва ўсмирлардаги клиник кўринишларини, тиббий хатоларни ва асоратларни учраш частотасини ўрганиш, жарроҳлик даволашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, ушбу гуруҳдаги беморларни олиб боришни такомиллаштириш орқали касалликни самарали даволашга ва фертил ёшдаги аёлларни ҳаёт сифатини ошириш ва ногиронликни олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиёти маълумотида кўра, ўсмир қизларда қин ва бачадон аномалияларини эрта диагностика қилиш ва даволаш, репродуктив тизим бузилишлари муаммолари хорижлик олимлар (Bombard D.S., Mousa S.A., 2022; Reichman D.E., Laufer M.R., 2023) ишларида акс эттирилган. Бироқ қизлар ва ёш қизларда жинсий аъзоларнинг туғма нуқсонларини эрта аниқлаш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш ҳануз етарли даражада эмас. Жинсий аъзоларнинг кўпгина ривожланиш аномалиялари ўз вақтида аниқланмайди, бу эса беморларнинг сексуал ва ижтимоий мослашувини қийинлаштиради ва ёмонлаштиради.

Сўнгги ўн йилликларда бутун дунёда қизларда жинсий аъзолар ривожланиш аномалияларининг хавф омиллари ва асоратларини аниқлаш ҳамда асосланган даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Негмаджанов Б.Б., 2021; Кирпатовский И.Д., Угрюмова Л.Ю., Уварова Е.В., 2017). Шу муносабат билан Herlyn–Werner–Wunderlich синдроми (OHVIRA) хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Клиник кўринишларнинг хилма-хиллиги ва ташхисдаги хатолар бу патологияга эга беморларнинг кўп ҳолларда шошилиш тартибда «ўтқир қорин» ташхиси билан касалхонага ётқизилишига олиб келади (Негмаджанов Б.Б. 2022).

Россиялик муаллифлар – Л.В.Адамян, А.З.Хашукоева, Е.А.Богдановаларнинг маълумотларига кўра жинсий аъзолар ривожланиш нуқсонлари билан мурожаат қилган беморларнинг 24-34% ҳолатларида ташхис нотўғри шакллантирилади, ёки ташхиснинг тасдиқланиши қийинчилик туғдиради. Бу эса ўз навбатида ушбу беморларни нотўғри

тактикада олиб борилишига ва асосланмаган жарроҳлик аралашувларига олиб келади, айниқса мураккаб, комбинацияланган ва атипик кўринишдаги нуқсонларда.

Шунингдек, Ўзбекистонда ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган илмий ва клиник тадқиқотлар натижаларига қарамасдан, ҳозиргача унинг аниқ ва умумқабул қилинган ташхис ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилмаган. Мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, миллий меъёрий тавсиялар ва стандартларни яратиш бугунги кун тиббиёти олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 01980006703-сонли “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” (2022-2024) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланиши мавжуд бўлган аёлларда ҳайз қон оқимининг бир томонлама бузилишида ташхислашнинг оқилона усуллари ва жарроҳлик йўли билан самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда ҳайз қоннинг чиқишини бир томонлама тўсиб қўйиши билан оғриган қизлар ва ўсмирлардаги клиник кўринишларини, тиббий хатоларни ва асоратларни учраш частотасини ўрганиш;

бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида қизлар ва ўсмирларнинг ривожланиш аномалиясини аниқлашнинг оқилона усуллари ишлаб чиқиш;

касалхона шароитида беморларнинг ушбу гуруҳини жарроҳлик даволашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

бачадон ва қиннинг иккиланиши туфайли ҳайз кўриш қон оқимининг бир томонлама обструктсияси бўлган беморларни жарроҳлик даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш;

анамнездаги асоратлар, диагностика ва тиббий хатолар таҳлили ва ўз тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб, ушбу гуруҳдаги беморларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқинг.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016–2023 йиллар давомида Самарқанд шаҳрининг 3-сон туғруқ бўлими, ҳамда Самарқанд шаҳар Доктор “Шифо-бахт” хусусий клиникасига бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда ҳайз келишининг бир томонлама бузилиши билан мурожаат қилган 45 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий клиник, лаборатор, биокимёвий тадқиқот усуллари учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор тадқиқот усуллари, гинекологик ва махсус текширув усуллари (зондлаш),

инструментал усуллар (кичик чанок аъзоларининг ультратовуш текшируви, магнит-резонанс томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирлик даврида бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланишида ҳайз кўриш қонининг бир томонлама бузилиши бўлганда касаллик чанокдаги циклик оғриқлар (100%), прогрессив дисменорея (94,5%), ассиметрик ҳосила (86,2%) каби клиник белгилар билан намоён бўлиши аниқланган ва тиббиётнинг бирламчи бўғинида ташхислашдаги тиббий хатолар 34,5% ни, асоратлар 41,4% ни ташкил этганлиги асосланган;

бачадон ва қиннинг иккиланишини ўз вақтида аниқлаш мақсадида “оддийдан мураккабга” методикасини қўллаш, яъни ректо-абдоминал текшириш, зондлаш ва ултратовушни ўз ичига олган диагностика алгоритмидан фойдаланиш орқали аномалияни эрта ташхислаш 38,5% га ошганлиги ва тиббий хатолар сонини 3,5 баробар камайганлиги аниқланган;

илк бор бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланиши мавжуд ўсмирларда ҳайз кўриш қонининг бир томонлама бузилишида трансвагинал ёндашув орқали тўсилиб қолган гемивагина девори кесиб олиниб, уни "овал ойна" шаклида қайта тикиш натижасида жарроҳлик техникаси такомиллаштирилган;

илк бор даволаш гуруҳлари ўртасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли натижаларнинг қиёсий таҳлили ўтказилиб, асоратлар сони ва радикал аралашувларнинг сезиларли даражада камайганлиги, ҳамда аъзони сақлаб қолувчи такомиллаштирилган жарроҳлик усулнинг (93,1%) юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аёллар жинсий аъзоларининг туғма аномалияларини, хусусан, бачадон ва қиннинг иккиланиши, аплазияси ёки тўсилиши билан кечувчи ҳолатларни эрта аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган диагностика алгоритми ва текшириш стандартлари амалиётга жорий этилган;

ишлаб чиқилган текшириш методикаси жинсий аъзолар ривожланиш нуқсонларининг турли вариантларини фарқлаш, менструал қон оқимидаги бир томонлама бузилиш ҳолларини, генитал трактдаги тўсқинлик даражасини аниқ ва ишончли баҳолаш имконини берган;

ҳайз оқимдаги тўсиқ ва иккиланиш билан кечувчи ҳолатларда репродуктив тизим аномалияларини ташхислаш ва даволаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга тадбиқ этилган;

аёлларда жинсий аъзоларнинг туғма аномалияларини жарроҳлик йўли билан тузатиш мақсадида самарали реконструктив-пластик операциялар усуллари ва уларни қўллаш мезонлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида синалган бир-бирини тўлдирадиган клиник, клиник-анамнестик, лаборатор ва статистик усуллар, беморлар сони ва танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, лаборатор-диагностик тадқиқот усуллари асосланганлиги, ҳалқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан илмий изланиш натижаларини таққосланганлиги, олинган натижалар юзасидан ваколатли

ташкilotларнинг хулосалари олинганлиги ва улар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда хайз қон оқимининг бир томонлама бузилиши бўлган беморларда касалликни эрта ташхис учун клиник белгилари ва “оддийдан мураккабга” методикасини қўллаш, ўз вақтида самарали такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётини даволаш мақсадидда ўтказиш орқали касаллик прогнозини яхшилаш ва рецидивлар ҳамда асоратларнинг олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда госпиталгача бўлган босқичда текшириш усулларини такомиллаштириш, бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши билан кечувчи беморларни ўз вақтида ташхис қилиш, патологияни оптимал жарроҳлик даволаш учун тўғри йўналтириш асосида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бачадон ва қиннинг иккиланиши ва хайз қон оқимининг бир томонлама бузилиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/07-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: ўсмирлик даврида бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланишида хайз кўриш қонининг бир томонлама бузилиши бўлганда касаллик чанокдаги циклик оғриқлар (100%), прогрессив дисменорея (94,5%), ассиметрик ҳосила (86,2%) каби клиник белгилар билан намоён бўлиши аниқланган ва тиббиётнинг бирламчи бўғинида ташхислашдаги тиббий хатолар 34,5% ни, асоратлар сони 41,4% ни ташкил этганлиги асосланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2025 йил 29 январдаги 6-сонли билан тасдиқланган «Бачадон ва қин иккиланиши бўлган беморларда бир томонлама обструктив синдром ёки OHVIRA-синдромининг ташхисот усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 4 февралдаги 2-сонли буйруқ асосида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида 2025 йил 18-февралдаги 113-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/07-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлик: аномалияларни эрта аниқлаш имконияти яратилиб, ташхис хатолари камайтирилди ва жарроҳлик даволашга йўллаш тезлаштирилди. Бу эса ўсмирларда репродуктив саломатликни сақлаб қолишга ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилди. Иқтисодий самарадорлик: тиббий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланди, стационарда ётиш

муддати 10,5 кундан 4 кунгача қисқариб, ҳар бир беморга ўртача 130 000 сўм дори-дармон учун маблағ тежалди.

иккинчи илмий янгилик: бачадон ва қиннинг иккиланишини ўз вақтида аниқлаш мақсадида “оддийдан мураккабга” методикасини қўллаш, яъни ректо-абдоминал текшириш, зондлаш ва ултратовушни ўз ичига олган диагностика алгоритмидан фойдаланиш орқали аномалияни эрта ташхислаш 38,5% га ошганлиги ва тиббий хатолар сонини 3,5 баробар камайганлиги аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2025 йил 29 январдаги 6-сонли билан тасдиқланган «Бачадон ва қин иккиланиши бўлган аёлларда бир томонлама обструктив синдром ёки OHVIRA-синдромининг ташхисот усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 4 февралдаги 2-сонли буйруқ асосида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида 2025 йил 18-февралдаги 113-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/07-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлик: болаларда репродуктив тизим аномалиялари эрта аниқланди ва шошилиш ҳолатларида нотўғри ташхислаш даражаси ва жарроҳлик амалиётлари сони камайди. Психоэмоционал ҳолат яхшиланиб, ижтимоий мослашув ошди. Иқтисодий самарадорлик: Тўғри ташхис туфайли ортиқча хизматлардан воз кечилди. Ҳар бир беморга кунига ўртача 220 000 сўм бюджет маблағлари тежалди.

учинчи илмий янгилик: илк бор бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланиши мавжуд ўсмирларда ҳайз кўриш қонининг бир томонлама бузилишида трансвагинал ёндашув орқали тўсилиб қолган гемивагина девори кесиб олиниб, уни "овал ойна" шаклида қайта тикиш натижасида жарроҳлик техникаси такомиллаштирилган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2025 йил 29 январдаги 6-сонли билан тасдиқланган «Бачадон ва қин иккиланишида ҳайз келиши бир томонлама бузилиши бўлган беморларни олиб бориш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 4 февралдаги 2-сонли буйруқ асосида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида 2025 йил 18-февралдаги 113-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/07-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлик: жарроҳликдан кейинги тикланиш тезлашди, оғриқлар камайди, репродуктив органларни сақлаш имконияти яратилди. Иқтисодий самарадорлик: Қисқа муддатли стационар ётиш, асоратларнинг камайиши ва шифохона харажатларининг пасайиши таъминланди. Стационарда ётоқ кунлари 10,5 кундан 4 кунгача қисқариб, ҳар бир беморга ўртача 130 000 сўм дори-дармон учун маблағ тежалди.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор даволаш гуруҳлари ўртасида қисқа муддатли ва узоқ муддатли натижаларнинг қиёсий таҳлили ўтказилиб, асоратлар сони ва радикал аралашувларнинг сезиларли даражада камайганлиги, ҳамда аъзони сақлаб қолувчи такомиллаштирилган жарроҳлик усулнинг (93,1%) юқори самарадорлиги исботланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгашининг 2025 йил 29 январдаги 6-сонли билан тасдиқланган «Бачадон ва қин иккиланишида ҳайз келиши бир томонлама бузилиши бўлган беморларни олиб бориш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар ихтисослаштирилган кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 4 февралдаги 2-сонли буйруқ асосида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида 2025 йил 18-февралдаги 113-к-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22/07-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлик: жароҳлик амалиётидаги асоратлар 24,8% дан 2,3% га, касаллик рецидивлари 15,1% дан 0,8% га камайди. Беморларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллиги ошди. Иқтисодий самарадорлик: Радикал жарроҳлик эҳтиёжи камайганлиги натижасида доридармон ва қўшимча даволаш харажатлари учун бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий- амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар нашр этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 та республика, 1 та халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгирлиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқлаб берилди, илмий янгилик, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалиётдаги аҳамияти ёритилди, жорий этилиши лозим бўлган тадқиқот натижалари рўйхати келтирилди, апробация натижалари, чоп этилган ишлар сони ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар берилди.

Диссертациянинг **«Жинсий аъзолар ривожланиш аномалияларининг этиологияси ва диагностикаси бўйича замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг жинсий аъзолар ривожланиш аномалиялари муаммосининг долзарблиги, этиологияси, патогенези, клиник манзараси ва диагностикаси ҳақида маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари келтирилган. Шунингдек, мазкур беморлар когортасини замонавий усулларда ташхис қилиш ва бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили тақдим этилган. Бачадон ва қин иккиланиши бўлган беморларни ташхис қилиш ва уларни госпиталгача бўлган босқичда даволашга тайёрлаш соҳасидаги тадқиқотларнинг долзарблиги ва истиқболлилиги гинекология учун ҳали ҳам муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, умумий клиник, лаборатор тадқиқот усуллари, гинекологик ва махсус текширув усуллари (зондлаш), инструментал усуллар (чақалоқ кичик чанок аъзоларининг ультратовуш текшируви, магнит-резонанс томографияси) ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот доирасида тегишли жарроҳлик йўли билан даволанган, Бачадон ва қиннинг иккиланиши билан менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши ва сийдик чиқариш тизими аномалиялари ташхиси қўйилиб, гистологик жиҳатдан тасдиқланган 45 нафар беморлар текширилган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари:

Бачадон ва қиннинг иккиланиши билан менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши ва сийдик чиқариш тизими аномалияларининг йўқлиги. Бачадон ва қиннинг иккиланиши шаклидаги ривожланиш нуқсонлари ҳамда сийдик чиқариш тизими ривожланиш аномалиялари ва менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши мавжуд бўлган ҳолатлар.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари:

Ҳайз қон оқими бузилмасдан бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳолатлари.

Бачадон ва қин иккиланишисиз жинсий аъзолар ривожланиш аномалиялари ва ҳайз қон оқими бузилиши.

Соматик ва гинекологик касалликлар тарихи таҳлил қилинди. Менструал, сексуал ва репродуктив функцияларнинг хусусиятлари таҳлил этилди. Текширув комплексига умумий кўрик, тана тузилиши, танадаги тукланиш хусусиятлари, кўкрак безларининг ҳолати, юрак-қон томир, нафас олиш, ҳазм

қилиш, асаб, сийдик чиқариш ва эндокрин тизимлари ҳолатини баҳолаш, лаборатор текширувлар ва амалдаги клиник протоколлар (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган) доирасида инструментал текширув усуллари киритилди.

Беморлар икки гуруҳга бўлинган:

I – Асосий гуруҳ 29 нафар бемордан иборат бўлиб, улар сийдик чиқариш тизими билан боғлиқ ҳамроҳ патология мавжудлигига қараб 2 та кичик гуруҳга бўлинди: 1а — 5 нафар бемор: бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда тўсилиб қолган ярим қин (гемивагина) (2 та ўнг томонлама зарарланиш, 3 нафар чап томонлама зарарланиш); 1б — 24 нафар бемор: OHVIRA синдроми (13 та ўнг томонлама зарарланиш, 11 та чап томонлама зарарланиш).

II – Қиёсий гуруҳи 16 нафар бемордан иборат бўлиб, улар ҳам сийдик чиқариш тизими патологияси мавжудлигига қараб 2 та кичик гуруҳга бўлинди: 1а — 6 нафар бемор: бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда тўсилиб қолган ярим қин (гемивагина) (4 та ўнг томонлама зарарланиш, 2 та чап томонлама зарарланиш); 1б — 10 нафар бемор: OHVIRA синдроми (8 та ўнг томонлама зарарланиш, 2 та чап томонлама зарарланиш).

Барча беморларга шикоятлар, анамнез йиғиш, объектив ҳолатни баҳолаш, бимануал текширишни ўз ичига олган клиник текширув ўтказилди. Олинган маълумотлар қайд этиш картаси – Кузатув картасига киритилди. Ташхис клиник-лаборатор-инструментал текширув асосида қўйилган ва жарроҳлик аралашувида тасдиқланган.

1-жадвал.

Текширилган беморларни ривожланиш нуқсони хусусияти бўйича тақсимланиши (абсолют сони, %)

Жинсий аъзолар ривож-ланиш аномалиялари кўринишида бир ярим қиннинг бир томонлама атрезияси билан бачадон ва қиннинг иккиланиши.	Беморлар сони		Буйрак аплазияси		Буйрак гипоплазияси		гемивагина дистал 1/3 қисмининг аплазияси		гемивагина дистал 1/2 қисмининг аплазияси		гемивагина дистал 2/3 қисмининг аплазияси (юқори гематокольпос)		Анамнезда ўтказилган жарроҳлик аралашувлари	
	н	%	н	%	н	%	н	%	н	%	н	%	н	%
Ўнг томонлама зарарланиш	27	60	21	46.7	-	-	8	17.8	8	17.8	11	24.4	12	26.6
Чап томонлама зарарланиш	18	40	12	26.7	1	2.2	7	15.5	6	13.3	5	11.1	4	8.9
Жами	45	100	33	73.3	1	2.2	15	33.3	14	31.1	16	35.5	16	35.5

Текширилган беморлар тоифасида менархенинг ўртача ёши менархе (биринчи ҳайз) ўртача $13,2 \pm 1,1$ ёшда бошланган. Кейинги менархе (15 ёшдан 18 ёшгача) 5 нафар (11,1%) беморларда кузатилган. Кўпчилик, яъни 40 нафар (88,9%) ёш беморларда менархе ўз вақтида рўй берган. Ҳайз давомийлиги 2 кундан 7 кунгача фарқ қилган бўлиб, ўртача $5,2 \pm 0,9$ кунни ташкил этган. Ҳайз цикли давомийлиги эса 24 кундан 35 кунгача бўлган, ўртача $27,5 \pm 1,6$ кунни ташкил этган. (1-жадвал)


Беморларда менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши аниқланди: ўнг томонда - 27 нафар (60%), чап томонда - 18 нафар (40%). Текширилган беморлар умумий сонидан -34 нафарда (75,5%) Herlyn–Werner–Wunderlich синдроми ташхис қилинди. Барча беморларда менструал функция шаклланиш даврида оғриқ ҳислари тахминий менструация кунлари билан мос келган. Оғриқ синдроми менструал реакциянинг даражаси ва жинсий йўллар обструкцияси даражасига боғлиқ бўлган. Шу тариқа, жинсий аъзолар туғма аномалиялари белгилари аниқланганда клиник-лаборатор текширув ўтказилган, у қуйидагиларни ўз ичига олган: УЗИ, визуализация қийин бўлган ҳолларда МРТ - бачадон ва қин ривожланиш нуқсони шаклини, менструал қон оқими чиқишининг обструкция (бузилиш) даражасини аниқлаш учун. Текширув натижаларига кўра кейинги жарроҳлик даволаш тактикаси белгиланган. Физик текширув давомида нормал жинсий ривожланишнинг фенотипик белгилари аниқланган (1-расм): аёллар учун хос бўлган чанок тузилиши, нормал ривожланган кўкрак безлари. Ташқи жинсий аъзолар (клитор, кичик ва катта лаблар) аёллар учун хос тарзда ривожланган.



1-расм. Бемор М. Бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланиши. Herlyn–Werner–Wunderlich синдроми. Ўнг буйрак аплазияси. Беморнинг умумий кўриниши.

Қин дистал қисмининг тўсилишида оғриқ синдроми 6–8 менструал цикл давомида интенсивлиги бўйича ортиб борган, бу эса ёпиқ қиннинг кучли чўзилувчанлиги билан боғлиқ бўлган. Гемиқиннинг қисман аплазияси ва фаол

(иккиланган) бачадон мавжуд бўлган ҳолларда менструал реакция кучли оғриқ синдроми билан кечган. 7 нафар (15,5%) беморларда қорин парда қўзғалиш (ўткир қорин) аломатлари кузатилган. Бачадон бўшлиғининг кенгайиши (гематометра) ҳам оғриқ реакцияси (сурункали тос оғриғи) билан боғлиқ бўлган. Беморларнинг аксариятида ҳайз кунлари оғриқ синдроми пайдо бўлган. Ҳайз келиш фонида беморларда менструация кунлари оғриқ ҳисси кузатилган, 2–6 ой давомида бу оғриқларнинг интенсивлиги орта борган, бу эса ёпиқ қиннинг тўлиб кетиши (гематокольпос), унилатераль бачадон бўшлиғининг кенгайиши (гематометра) ва менструал қоннинг тухум йўли орқали қорин бўшлиғига чиқиши (гематосальпинкс, гемоперитонеум) билан боғлиқ бўлган. Сийдик айириш системаси аномалиялари (Herlyn–Werner–Wunderlich синдроми) 34 нафар (75,5%) бачадон ва қин аномалиялари бўлган беморларда кузатилган (2-расм).



2-расм. OHVIRA-синдроми тузилмаси

Сийдик чиқариш тизими аномалияси шакли ва жинсий аъзолар ривожланиш нуқсони ўртасидаги корреляция ўрганилганда, сийдик тизимидаги энг кўп учрайдиган қўшилиб келувчи нуқсон буйрак аплазияси эканлиги аниқланди, у 33 нафар (73,3%) беморда кузатилган, 1 нафар беморда (2,2%) эса буйрак гипоплазияси қайд этилган. Тадқиқотга шаҳар ва вилоятлардан бўлган турли ҳудудлардаги беморлар жалб этилди. Беморларнинг энг катта қисми Фарғона вилоятидан (9 нафар бемор, умумий сонинг 20% ни ташкил этади) келган. Кейингилар Самарқанд вилояти (6 нафар бемор, 13,3%), Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари (ҳар бири 5 нафар бемор, 11,1%) бўлган. Навоий вилоятидан 4 нафар бемор (8,89%) ва Хоразм вилоятидан 3 нафар бемор (6,67%) келган (3-расм).




3-расм. Текиширилган беморларни ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Шу тариқа, Тошкент шаҳри, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида кўрсаткичлар нисбатан паст бўлиб, ҳар бирдан 2 нафар бемор (4,44%) кузатилган. Энг кам беморлар сони Тошкент вилояти, Наманган шаҳридан бўлиб, ҳар бирдан 1 нафар бемор (2,22%) қайд этилган. Беморлар анамнезда ўтказилган жарроҳлик аралашувларига қараб II гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳни бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда тўсилиб қолган ярим қин билан биринчи марта жарроҳлик коррекцияси ўтказилган 29 нафар бемор ташкил этди. Иккинчи гуруҳга анамнезда шундай нуқсонлар туфайли жарроҳлик аралашувлари ўтказган беморлар киритилди.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган учинчи бобида текширувдан ўтган беморларда олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

I ва II гуруҳлар беморларнинг хусусиятларини янада муфассал тавсифлаш мақсадида мос равишда «А» ва «Б» кичик гуруҳларга бўлинди: IA кичик гуруҳ: сийдик чиқариш тизими патологияси мавжуд бўлмаган бачадон ва қиннинг иккиланиши билан кечувчи 5 нафар бемор. IB кичик гуруҳ: ХВВС (ОНVIRA-синдроми) билан 24 нафар бемор. IIA кичик гуруҳ: сийдик чиқариш тизими патологияси мавжуд бўлмаган бачадон ва қиннинг иккиланиши билан кечувчи 6 нафар бемор. IIB кичик гуруҳ: ХВВС (ОНVIRA-синдроми) билан 10 нафар бемор.




4-расм. Беморларни гемиқин обструкцияси даражаси ва томонига қараб тақсимланиши.

3-расм қин ва бачадоннинг туғма ривожланиш аномалиялари (қиннинг тўсилиши билан кечадиган иккиланиш) бўлган беморларнинг обструкция даражаси ва шикастланиш томонига қараб тақсимланишини акс эттиради. Диаграмма тўртта асосий гуруҳ/кичик гуруҳларни (IA, IB, IIA, IIB) ўз ичига олади ва ҳар бир кичик гуруҳда ўнг ва чап томонлама обструкция ҳолатлари алоҳида кўрсатилган. Диаграмма тузилиши учта асосий маълумотни қамраб олади: қиннинг пастки 2/3 қисми аплазияси ёки юқори гематокольпос, пастки 2/3 қин аплазияси, пастки 1/3 қин аплазияси. Бу эса нуқсонларнинг турли вариантлари хусусиятлари ва учраш тезлигини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ҳар бир кичик гуруҳда эса «Ўнг томон обструкцияси» ва «Чап томон обструкцияси» алоҳида кўрсатилган, яъни гемиқин обструкцияси қайси

томонда ривожлангани ҳисобга олинган. Бу каби тузилиш беморларни морфологик ва топографик мезонлар бўйича батафсил тақсимлаш имконини яратади.

Диаграммани таҳлил қилар эканмиз, иккинчи гуруҳ беморларида «юқори гематокольпос» ҳолатлари пастки 1/2 ва 1/3 гемикин аплазияларига нисбатан кўпроқ учраганини кўриш мумкин. Шу тариқа, иккинчи гуруҳнинг 16 нафар беморидан 10 тасида (62,5%) юқори гематокольпос ҳолати кузатилган. Бу эса ушбу обструкция варианты ташхисда қийинчилик туғдиради ёки амалиётчи шифокорлар томонидан нотўғри жарроҳлик тактикаси танланган деб тахмин қилишга асос беради.



5-расм. II гуруҳ беморларининг анамнезида ўтказилган жарроҳлик аралашувлари

II гуруҳ беморларидан 16 нафар (умумий кузатувларнинг 35,5%) беморда аввал (анамнезида) жарроҳлик аралашувлари амалга оширилган (4-расм). Жумладан, 3 нафар беморда тўсилиб қолган гемикинни очиш операцияси ўтказилган, 1 нафарда кистэктомия ва аппендэктомия, 1 нафарда аднексэктомия амалга оширилган. 2 беморда диагностик лапаротомия, 2 беморда лапароскопия ўтказилган. 5 нафар беморда аппендэктомия амалга оширилган, улардан бирида 9 ойдан сўнг лапароскопик аппендэктомиядан кейин тубэктомия ҳам бажарилган. 1 нафар беморда лапаротомик йўл орқали гематокольпос дренаж қилиниб, дренаж найи қин орқали қолдирилган. Жинсий аъзолар аномалиялари бўлган беморларни текшириш ва жарроҳлик даволаш вақтида 14 нафар (31,1%) беморда ҳамроҳ гинекологик патология аниқланган ва асосий касалликни тузатиш вақтида мос равишда қўшма операциялар амалга оширилган.

Турли ҳамроҳ патологияларда амалга оширилган жарроҳлик аралашувлари ҳажмининг қиёсий таҳлили оператив даволаш усуллари турлари ва учраш тезлигида сезиларли фарқ мавжудлигини кўрсатди. Жами 14 та жарроҳлик аралашуви ўтказилган бўлиб, бу танланган беморлар умумий сонининг 31,11% ни ташкил этди. Энг кўп учраган ҳамроҳ патология — бу аппендикснинг иккинчи даражали ўзгариши бўлиб, 5 ҳолатда аппендэктомия талаб этилган (11,11%). Шундай қилиб, жарроҳлик аралашувлари таҳлили кўрсатдики, энг кўп бажарилган операциялар — аппендэктомия (11,11%) ва

битиўмаларни ажратиш (6,67%) бўлган, камроқ учраган операциялар эса гистерэктомиялар бўлиб, улар ҳар бир патология учун 2,22% ни ташкил этган. Олиб борилган аралашувлар спектри орган сақловчи операциялар (кистэктомия, сальпинготомия) ва радикал усуллар (гистерэктомия, аднексэктомия) ни қамраб олган. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда менструал қон оқимининг бир томонлама бузилиши бўлган ҳар учинчи беморда кичик чанок аъзолари функциясини керакли даражада тиклаш учун хирургик аралашув ҳажмини кенгайтириш талаб этилган. Бу нотўғри ташхис ва амалиётчи шифокорлар томонидан нотўғри жарроҳлик аралашувларининг оқибати сифатида баҳоланади. 45 нафар шундай беморларнинг клиник хусусиятлари таҳлили ушбу касалликнинг кечиш хусусиятлари ва ҳамроҳ патология билан боғлиқликни аниқлаш имконини берди. Беморларнинг ўртача ёши $16 \pm 2,4$ ёшни ташкил этган. Мурожаат қилиш сабаби эса дориларга жавоб бермайдиган кучли оғриқ синдроми бўлган. Херлин — Вернер — Вундерлих синдроми 34 нафар беморда (75,5%) аниқланган бўлиб, жинсий ва сийдик тизими нуқсонлари ўртасидаги яқин алоқани тасдиқлайди. Нуқсон локализациясини таҳлил қилишда ўнг томонлама шикастланиш (27 ҳолат, 60%) чап томонлама шикастланишга (18 ҳолат, 40%) нисбатан устун эканлиги кўрсатилди. Жарроҳлик анамнезини ўрганишда 16 нафар бемор аввал жарроҳлик аралашувларини бошдан кечирган бўлиб, энг кўп амалга оширилган операциялар тўсилиб қолган гемиқинни очиш, аппендэктомия ва лапароскопик аралашувлар бўлган. 31,1% ҳолатда эса жарроҳлик аралашув ҳажмини кенгайтириш талаб қилинган.


2-жадвал


Жинсий аъзолар аномалиялари бўлган беморлардаги ҳамроҳ гинекологик патология ва қўшма операциялар

Ҳамроҳ гинекологик патология	Операции хажми	n	%
Эндометриоз кисталари	Цистэктомия	1	2,22
Бачадон миомаси	Миоматоз тугунни олиб ташлаш	1	2,22
Битта бачадонда эндометриоз (иккиланиш ҳолатидаги)	Гистерэктомия	1	2,22
Пиометра и пиосальпинкс	Гистерэктомия, сальпингэктомия и аднексэктомия бир томондан	1	2,22
Тухумдон кистомаси	Аднексэктомия	1	2,22
Гематосальпинкс	Сальпинготомия. Гематосальпинксни бўшатиш. Бачадон найи ампуляр қисмининг реконструкцияси	1	2,22
Кичик чанокдаги битишмалли жараёнлар	Битишмаларни ажратиш	3	6,67
Иккиламчи ўзгарган аппендикс	Аппендэктомия	5	11,11
Жами		14	31,11

Диссертациянинг «Бачадон ва қиннинг иккиланиши ҳамда тўсилиб қолган гемиқин билан кечувчи беморларни кузатиш натижалари» деб номланган тўртинчи боби беморларни жарроҳлик даволашдан олдин, жараёнида ва кейин кузатиш натижаларини ўз ичига олади. Бачадон ва қиннинг иккиланиши ва тўсилиб қолган гемиқин билан кечувчи беморларнинг клиник ҳолатлари келтирилган. Тадқиқотга жинсий аъзолар ривожланиш аномалиялари бўлган 45 нафар бемор киритилган. Беморлар анамнезга қараб икки гуруҳга бўлинган: Биринчи гуруҳга (n=29) анамнезда жарроҳлик аралашувлари бўлмаган беморлар, Иккинчи гуруҳга (n=16) эса анамнезда операция ўтказган беморлар киритилган. Ҳар бир гуруҳда беморлар ҳамроҳ патологиянинг мавжудлигига қараб «А» ва «Б» кичик гуруҳларга бўлинган. А кичик гуруҳ: сийдик тизими аномалияларисиз беморлар. Б кичик гуруҳ: СХВВ (ОНVIRA-синдром) билан беморлар. Латерализация (ўнг ёки чап томон шикастланиши) бўйича ҳам алоҳида таҳлил қилинган. Барча 45 нафар беморга жарроҳлик коррекцияси амалга оширилган (100%). I гуруҳдаги 29 бемордан 27 нафар (93,1%) беморга трансвагинал йўл орқали жарроҳлик амалиёти бажарилган: атрезияланган гемиқин участкасини кесиб олиш, унинг таркибини эвакуация қилиш, санация қилиш ва “овал ойна” шаклдаги тешигини яратиш ва викрил иплар билан узлукли чоклар қўйиш.


Ушбу жараён давомида: Менструал қоннинг нормал чиқиши таъминланди, кесиб олинган қисмларда гемостазга эришилди, тешикнинг яна тўсилиб қолиши ва симптоматика рецидивининг олди олинди, Олд қорин деворида кесишлар амалга оширилмагани ҳисобига косметик нуқсон (чандиқлар) йўқлиги ҳисобига беморларнинг психо-ижтимоий мослашуви яхшилانган.







6-расм. Ишлаб чиқилган жарроҳлик коррекцияси усулининг босқичлари (Бемор С., 13 ёшда, Д-т: Бачадон ва қиннинг тўлиқ иккиланиши. Ўнг томонда тўсилиб қолган гемиқин. Ўнг томонда гематокольпос ва гематометра. Ўнг буйрак аплазияси. СХВВ).

Қин орқали амалга оширилган кольпотомия ва унилатераль гистерэктомиядан кейин овалоид тешик яратилиши гемиқиндан шиллик моддаларнинг тўлиқ оқиб чиқишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида секрециянинг тўпланиб қолишини ва яллиғланиш ўзгаришларини олдини олади, шу билан бирга узок муддатли даврда сурункали чанок оғриғини профилактика қилишда самарали чора сифатида хизмат қилади.





7-расм. Ўнг бачадонни олиб ташлаш босқичи (ўнг бачадонда аденомиоз)



8-расм. II гуруҳ беморларида жарроҳлик коррекцияси учун танланган кириш йўли

II гуруҳ беморларида жарроҳлик коррекцияси икки хил ёндашув — қин орқали ва лапаротомик кириш орқали амалга оширилди. Қин орқали кириш билан 7 нафар беморда (43,75%) операция бажарилган, 9 нафар беморда (56,25%) эса турли клиник кўрсатмалар туфайли лапаротомияга ўтиш талаб этилган. Кичик гуруҳлар бўйича кириш усуллариининг тақсимланиши: II А кичик гуруҳда фақат 1 нафар беморга (6,25%) трансвагинал кириш орқали коррекция амалга оширилган, 5 нафар беморда (31,25%) эса лапаротомия ўтказилган. II Б кичик гуруҳда эса 6 нафар беморга (37,5%) қин орқали коррекция ва 4 нафар беморга (25%) лапаротомик коррекция амалга оширилган. Кичик гуруҳлар кесимида қўлланилган хирургик ёндашувлар мувозанати 7-расмда кўрсатилган.

